Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 142 (5433)
26 ИЮНЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ ҲИССАСИ

Ҳар йили Ўзбекистоннинг инженерлари, олимлари, ишчилари халқ хўжалигининг ғоят хилма-хил тармоқларига тааллуқли 250—300 ихтирони таклиф этадилар. Янги қурилмалар, моддалар, технологиялар кишилар қўлини бўшатишга, моддий ресурсларни тежашга, кўпгина саноат маҳсулотларини янада пухта ва яхши қилишга имкон беради.

Кўпгина химия заводларида ёнадиган чиқит бўлиб турадиган Ленин бу газдан фойдаланиш учун махсус горелкалар керак эканлигини аниқлади.

ВНИИгаз институтининг Ўрта Осиё филиалида ихтиро этилган комбинацияланган горелкалар ҳамма хил печларнинг ёқилғида тежалишини ошириш имконини беради.

У анча пухталаштирилган бўлиб, қамраш кенгроқ. Иш органи тупроққа қияма бўлиб киранидан унга хас-чўп тиқилиб қолмайди. Аввалги шундай қурилмаларда шу камчилик бор эди. Ихтиро тупроққа бир вақтда минерал ўғит ва органик ўғит солишга, шу билан механизатор меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради.

* * *

Гальваник ванналарда деталь осиб қўйиладиган махсус қурилма электрохимия цехи бўлган ҳамма ерда энергияни тежайди. Ҳозирги машинасозлик заводларида қўлланилаётган қурилманинг битта камчилиги бор: уларнинг конструкцияларидаги баъзи хусусиятлар қўшимча энергия сарфига сабаб бўлади.

«Технолог» бирлашмасида деталь осиб қўйиладиган махсус қурилма электрохимия цехи бўлган ҳамма ерда энергияни тежайди. Ҳозирги машинасозлик заводларида қўлланилаётган қурилманинг битта камчилиги бор: уларнинг конструкцияларидаги баъзи хусусиятлар қўшимча энергия сарфига сабаб бўлади. Бунинг учун пластификатор моддалари магнит майдонида цемент билан қориштирилади. Жараён 10 секунддан 180 секундгача давом этади.

* * *

Ҳозирги замон химиясида яратилган янгилик ҳар бир контакт головкада бир ярим киловаттдан кўп энергияни тежайди ва бунда иш унумдорлиги икки баравардан зиёд ортади.

* * *

Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтида бетон қоришмани мулойимлаштирадиган қўшимча модда тайёрлашнинг янги усули ихтиро этилди. У қориштириш вақтини қисқартириб, цементни тежашдан ташқари бетоннинг пишиқлигини ҳам ошир

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомол ишлар саҳифаси

КОМСОМОЛ КОМИТЕТЛАРИ... КУНДАЛИК, КОНКРЕТ ТАШКИЛОТЧИЛИК ҲАМДА ТАРБИЯВИЙ ИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТОМОН КЕСКИН БУРИЛИШЛАРИ КЕРАК. ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА, ҲАР БИР ЁШ ИНСОНДА ЮКСАК ДУНЁҚАРАШ ВА МАЪНАВИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ... ШАКЛЛАНТИРИШДА, ПАРТИЯ УНИНГ ОЛДИГА ҚУЙЁТГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА КОМСОМОЛНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ АЙНИ МАНА ШУНГА ҒОЯТ КУП ДАРАЖАДА БОҒЛИҚДИР.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

Ишчи синфи чорлайди сизни

КАСБ ВА БИЛИМ ЭГАЛЛАШАДИ

Ҳунар-техника таълими билим юртларининг кенг миқёсда ривожланиб бораётгани ва уларда ишчи кадрлар кўплаб тайёрланаётгани партия режаларининг изчил амалга оширилаётгани самарасидир. Биз буни шаҳримизда ҳам яққол кўриб турибмиз. Ҳозир Тошкентда 58 та ҳунар техника билим юртида 27 мингдан зиёд йигит ва қиз 122 хил касб бўйича таълим олмоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йилида 7 та ҳунар-техника билим юрти очилди. 55 мингга яқин ўқувчи қабул этилди ва 45 мингдан зиёд ёш ишчилар тайёрланди.

Ҳунар-техника таълими ходимлари ва меҳнат коллективлари ёшларнинг касб маҳоратига, уларнинг ғоявий-сиёсий ва ахлоқий томонларига доимо қизиқадилар. Бўлажак ишчиларни тайёрлашда биз ҳали ўзимизда мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланаяпмиз, деб бўлмайди. Масалан, шаҳар ҳунар-техника билим юртларида таълим савияси, ўқувчиларнинг касб кўникмалари ва бошқа жиҳатлари ўсганига қарамай, умуман шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси ва билим юртларининг ташкилотчилик ишлари умуттаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари талабларига ҳали тўла жавоб бермайди.

Бизни аввало умуттаълим фанлари бўйича ўқувчилар билимининг савияси секинлик билан ошаётгани ташвишлантирмоқда. Билим юртларимизни битириб чиқаётган ёшлар олган малака разрядларига яраша ишлаб чиқаришда ўзларини оқламаётирлар. Белгиланган план ва нормаларни эса эплолмаётирлар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва экономика масалаларини ҳам яхши билмайдилар.

Ҳолбуки, булар кўп жиҳатдан ўқув-моддий базасига боғлиқдир. 50 та кундузги билим юртидан фақат 14 тасидагина типовой комплекслар бор. 13 тасида эса ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ҳам йўқ.

Республика Госплани ўнинчи беш йилликкача бизнинг билим юртларимизни янги металл ва ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари, механизмлар билан таъминлашни планлаштирди ва ажратди. Ҳозир буларни база корхоналари ва ташкилотларига қайта топширишди. Улар эса бу нарсалар ўзларида етишмаётганини баҳона қилиб, алмисоқдан қолган эски дастгоҳ ва ускуналарни бизга тавсия этмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг ҳунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва унинг малакали ишчи кадрлар тайёрлашдаги ролини ошириш юзасидан қабул қилган ҳужжатларида ҳунар-техника билим юртларида ўқув-тарбия жараёнининг ғоявий-сиёсий йўналишини кучайтириш, ўқувчиларда маркса-ленинча дунёқарашни шакллантириш ва бошқа фазилатларни тарбиялаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Бизнинг билим юртларимизда ўқувчиларни В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти, граждан лар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг жасоратлари мисолида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Кўпгина ҳунар-техника билим юртларида Ленин хоналари, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейлари, билим юрти тарихи музейи ташкил этилган. «Қизил чиннигул», «Сиёсий қўшиқ», «Ёш ўринбосар» ёшлар сиёсий клублари ишлаб турибди. Аълочилар слёти, ишчи сафига қабул қилиш слётлари ўтказиляпти.

Спорт секцияларн, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, техника тўгаракларининг иши доимо назорат қилиняпти. Бироқ бу барча тадбирларга жаъми ўқувчиларнинг 82 процентигина жалб этилган, холос. Биз ҳали болаларнинг ота-оналари билан ишлашни йўлга қўйганимизча йўқ. Кўпинча ота-оналар сабабсиз прогул қилган фарзандларини назоратсиз қолдирадилар. Бу эса ўқувчиларнинг жамоат тартибини бузишларига ва ҳар хил жиноятлар қилишларига олиб келади. 1983 йилда биз ўқувчиларнинг билим юртидан кетиб қолишларини анча камайтирган бўлсак ҳам, лекин бу масала биз учун ҳамон долзарб масала бўлиб турибди.

Ёш ишчиларга таълим бериш ва уларни тарбиялашдаги барча хатолар ва нуқсонларни ҳисобга олиб, биз бошқарманинг ўзида ҳам, шунингдек ҳунар-техника билим юртларида ҳам ташкилотчилик ишларини қайта кўриб чиқяпмиз. Ўқув-методик кабинетининг раҳбар ва инженер-педагогик ходимлар секциялари ишини активлаштирдик. Билим юртлари раҳбар звеноларини пухта аттестациядан ўтказдик.

Касб танлашни яхшилаш ва билим юртларини ўқувчилар билан комплектлаш сифатини ошириш мақсадида шаҳар касбга йўналтириш маркази ташкил этилди. Жамоатчилик асосидаги кадрлар бўлими ташкил этилгандан сўнг эса ишлаб чиқариш таълими мастерлари ва ўқитувчилар ўртасида қўнимсизлик камайди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга талабчанлик, ижро интизоми ошди.

Тошкентнинг билим юртлари инженер-педагогик коллективлари партия ва ҳукуматимизнинг қарорини бажариш учун ўзларининг бутун куч-ғайрат ва билимларини сафарбар этадилар ва Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

В. РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

УЧИНЧИ АВЛОД ЖАНГЧИСИ

КУРСАНТ Александр Яловега бувасини тез-тез эслайди. Дахшатли 1941 йили днепропетровскдик ёш йигит Мефодий Яловега қўлига қурол олиб жангга отланди. У она-Ватанимизни ҳимоя қилишда мардона жанг қилди. Оғир жангларда у коммунист бўлди. Аммо ғалабанинг қувончли кунларигача етиб келолмади.

Саша ёшлигиданоқ отасининг мард ва жасур буваси Мефодий ҳақида айтиб берган ҳикояларини яхши эслайди. Бир куни шундай савол бергани эсида:

— Дада, сиз нега ҳарбий киши бўлдингиз? Бувам сизга шундай маслаҳат берганмиди, ё?

Ўғлига нима деб жавоб берсин? Унинг ўзи ўша пайтларда ҳали ёш эди. Оила учун оғир бўлган ўша кунни эсласа ҳали-ҳали бадани жимирлашиб кетади. Почтальон унга қора хат келтирган эди. Ўсиб вояга етди: ҳарбий киши бўлишга аҳд қилди.

Ҳозир В. Яловега Болтиқбўйи ҳарбий округи бўлинмаларидан бирига командирлик қиляпти. Коммунист номини эса юксак тутмоқда.

Саша яхши ўқиди, спортга қизиқди. Жангчи бувраси ва танкчи отасидан ибрат олди. 8-синфни битиргандан кейин ҳарбий хизматга қизиқди. Суворов билим юртида ўқишга аҳд қилди. Владимир Мефодьевич ва Валентина Афанасьевна ўғлининг шаштини қайтаришмади. Тез орада Минскдан суворовчи Яловегадан дастлабки мактуб келди.

Суворов билим юртини муваффақиятли битиргандан сўнг у танк билим юртига кирмоқчи бўлди. Лекин бунга муваффақ бўлолмади. Ўзбекистон пойтахтида ажойиб билим юрти борлигини эшитди. Унга имтиҳонлар топширди. Янги дўстлар орттирди. Бу ерда мамлакатимизнинг кўп миллатли ракиллари — рус, белорус, ўзбек, қозоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари билан бирга таълим олди.

Йиллар ортидан йиллар ўтди. Александрда яна бир фикр пайдо бўлди. У отаси билан маслаҳатлашди. Отаси унинг партия сафига ўтишга аҳд қилганлигини маъқуллади.

Курсант партия ташкилотига ариза берди. «Мени Коммунистик партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишингизни сўрайман. Ишончингизни оқлайман...» Коммунистлар унга юксак ишонч билдиришди. Партия ташкилоти янглишмади: кандидатлик стажи даврида курсант коммунистлар ишончини оқлади.

...Курсант Яловега қўлидаги соатга қаради. Яна 10—15 минутдан кейин сиёсий бўлимда партия билетини топширишади. Бораётган вақт яқинлашиб қолди.

Ҳафталар ўтади. Битириш имтиҳонлари ҳам ортда қолади. Лейтенант Яловега СССР Қуролли Кучларининг командирлик корпусида ўз муносиб ўрнини эгаллайди.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорида таъкидланишича, «Ленинчи Коммунистик партия совет халқи ғалабасининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди... Коммунистлар душманга қарши курашнинг энг қийин ва ҳал қилувчи участкаларида бўлдилар. Улар шахсий намуналари билан, эҳтиросли партиявий сўзлари билан совет кишиларига илҳом бердилар ва уларни ғалабага етакладилар».

Бугунги кунда, яъни шонли ғалабанинг 40 йиллиги арафасида армия коммунистлари шахсий намуна кўрсатмоқдалар, катта авлод вакилларн, оталарининг шонли анъаналарини давом эттирмоқдалар. Буни коммунистлар Мефодий, Владимир ва Александр Яловегалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Б. ГОЛЬДИН,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси, тарих фанлари кандидати, доцент.



● МЕҲНАТ СЕМЕСТРИГА ҲОЗИРЛИК

ТЎЛА ШАЙ ҲОЛДА

Студентлар ёзги меҳнат семестри арафасида туришибди. Сессия тугаши билан студент қурилиш отрядлари жўнаб кетишади. Тошкент ўқув юртларининг минглаб йигит ва қизлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлайдилар.

Тошкент Давлат медицина институтининг 1,5 мингдан зиёд жангчилари турли жойларга бориб ишлайдилар. «Главташкентстрой» объектларида 600 студент ишлайди, мактабларни ремонт қилади, болалар спорт майдончаларини тартибга солади. Юз студент эса Иваново областида турли объектлар қуришда қатнашади. 60 дан зиёд студент эса Будапешт ва Лейпциг шаҳарларида интернационал отрядлари билан бирга ишлашади. 500 студент эса Тошкент область Оржоникидзе районида сабзавотлар йигиб-териб олишда қатнашади.

Санитария отрядларига катта эътибор қаратилади. Улар ўзлари танлаган ихтисосга мувофаббатларини кўрсатадилар, врачлик кўникмаларини ҳосил қиладилар. Агитбригада ва лекторлик группаси маданий-оқартув ишлари олиб боради.

Институт отрядлари бир миллион сўмликдан зиёд капитал маблағни ўзлаштиришга аҳд қилишган. Иш ҳақининг бир қисмини тинчлик фондига ўтказадилар.

Олдинда турган катта иш пухта тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун ҳам институтда марказий штаб ва 4 та факультетда штаблар тузилди. Унинг составига ректорат, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари кирди. Институт вакиллари олдиндан корхоналарга боришди. Студентлар ишлайдиган шароитлар билан танишдилар, ташкилотлар билан меҳнат шартномалари тузишди. Отрядлар шакланиб бўлди. Командир ва комиссарлар тайинланди. Меҳнат семестри фақат ишлаб чиқариш ютуқлари кўригигина бўлиб қолмай, балки бўлажак врачларнинг гражданлик етуклигини ҳам яққол кўрсатиши керак.

Д. ТАЙБЕРГ.

СУРАТДА: Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Э. Эшонқулов студент отрядларининг аъзоларига оқ йўл тилаклари билдиряпти.

Автор фотоси.

● НОВАТОРЛАР ИЗЛАНИШИДА

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

Тошкент экскаватор заводининг новаторлари жорий этган янгиликлар машинасозларни қизиқтирса керак, албатта. Улардан бири ер қазийдиган машина кабинасини ташкил этувчи деталларни тез ва пухта пайвандлашда ёрдам берди. Иккинчи хил янгилик экскаваторнинг тирговичи каби масъулиятли қисмини ясаш учун металл прокатларидан фойдаланишга имкон берди. Натижада машина ясаш қийинлиги 285 норма соатгача камайиб, бир йилда 18 тонна таҳчил пўлат тежалди.

Шуниси қизиқки, иккала янгиликнинг авторлари —аёллар: инженерлар В. Тойгильдина ва Т. Неверова.

Фарғоналик деҳқонлар қишлоқ хўжалигида қимматли хом ашё ва материалларни тежаш йўлларини кўрсатдилар. Жорий этиш анчагина электр энергиясини тежашга ёрдам берди. Йўл рационализаторлари ўтган йили Фарғона ипак комбинати, Ғаллаорол ва Ғозғон қоғоз комбинатлари, Ангрен ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида 1300 тадан кўп таклиф киритдилар.

Бухоро туманидаги ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ишчанлик ҳамда ижодий изланиш руҳи кучли. Унда жорий этилган таклифлардан 7 минг сўмдан ошиғи тежалмоқда. Бундай мумкинлигини топдилар. Уларнинг таклифлари ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлиги анча ошди.

Ўрта Осиё темирйўлчилари магистрални электрлаштириш яқиндагина киришган бўлсаларда, шу муҳим ишда рационализаторлар намуна кўрсатдилар. Тошкент вагон депоси кўчма электр станциясининг машинисти К. Орифхўжаев линияларда контакт сим орқали иситиладиган вагонлардан фойдаланишни таклиф этди. Бу янгиликни жорий этиш анчагина электр энергиясини тежашга ёрдам берди. Йўл рационализаторлари ўтган йили Фарғона темирйўл магистралининг 285 километрида шундай таклифларни амалга оширдилар. Натижада 1 миллион сўмдан ошиғи тежалмоқда.

Ўрта Осиё темирйўлчилари ўз ташаббусларини давом эттирмоқдалар. Улар ҳозирги кунда 1984 йилнинг биринчи ярмида 1 миллион сўмлик таклифларни амалга оширишга киришдилар.



СУРАТДА: Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи илғор ишчилари токарлар Г. Девизоров, А. Йўлдошев ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров.

Коммунист А. Қодиров заводда қарийб ярим асрдан бери меҳнат қилади. Унинг токарлик дастгоҳини такомиллаштиришга доир таклифлари унумдорликни уч баравар кўпайтириш имконини берди. Ҳозир ишчи унинг юзлаб шогирдлари меҳнат қилишади.

В. Казанцев фотоси. Ўтган

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

«Ўрдак боқишмоқчими?»

Шаҳримизнинг Октябрь районидаги «Марказ—26» кварталининг 1-номердан 8-номергача бўлган тўққиз қаватли турар жой бинолари ертўлаларини беш йилдан буён сув босиб ётибди. Қиш пайти музлаб ёрилиб кетган қувурлардан оқиб тўпланиб қолган сув баъзан одамни кўмарли даражага етади. Аҳоли шу хусусда ёрдам сўраб 52-уй-жой участкаси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилган бўлишига қарамай ҳеч қандай чоратадбирлар кўрилмаяпти.

Ахир бу ер ости «сув омборлари»га бола-чақа тушиб кетиши бор, бу ерда тўпланган чивин ва пашша туфайли турли юқумли касалликлар тарқалиши мумкин. Ёки район уй-жой бошқармаси раҳбарлари ертўламизда ўрдак боқиш ниятидами?

«Марказ— 26» кварталн аҳолиси номидан:
Ж. СУЛТОНОВ,
А. АБДУЛЛАЕВ,
Т. АЗИЗОВ ва бошқалар.

«Оқ уй–ола баргак»

«Юнусобод»нинг 13-кварталидаги тўққиз қаватли 59-уйининг ташқи кўриниши кишилар орзу қилгандек кўринса-да, ичи тамоман бошқача: уйнинг эшик ва деразалари омонат ўрнатилган, қишда совуқ, ёзда иссиқ, чивин-пашша кўя очирмайди.

Айни кунда уйнинг ертўласида анчагина кўлмак сув тўпланиб қолган. Бу ҳақда Киров район бошқармаси раҳбарларига ёзма ариза қилиб қолдан тойтарилган ҳисоби йўқ. Улар эса ҳеч қилишмайди, гоҳи турли важларни тулишади.

Шаҳар уй-жой бошқармаси барлари район мутасадди ларига тўлиқ ва масдан, қани керак жавоб синчи?

Шу уйда истиқомат қилувчи 6 та хонадон номидан:
Т. НУРДИНОВ,
С. ТЎЙЧИЕВ,
В. СУСЛИН,
В. СУЛТОНОВ
ва бошқалар.

Ичгани сув йўқ...

Киров районининг «Ленинжанская» ва Мусоргский кўчаларидаги 33, 35, 37, 39 уйларда яшовчи аҳоли ичадиган сувдан буён ичимлик сув келмайсон. Бу ерда сув йўқ. Одамлар ишдан ҳориб келиб, дам олишнига, челак кўтариб кўчаларни кезиб юришади. Айниқса болалар, қариялар жуда қийналмоқда.

«Водоканал» трестининг Киров районларига бир неча бор мурожаат қилдик, лекин улар аҳолининг қоятини эшитишни ҳам хоҳламади.

Аҳоли номидан
Н. КУДАЙБЕРГЕНОВА,
А. КУДРАТОВА.

Б. ҲАМИДОВ ва бошқалар.

● КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ

ЛЕНИНИЗМНИ ЎРГАНАМИЗ

Шаҳар ёшларининг комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасида ўқув йили ниҳоясига етди. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларини бажара бориб, Тошкент комсомол ташкилотлари ёшларнинг марксча-ленинча таълимини, унинг муҳим звеноси— комсомол сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълими системасини такомиллаштирдилар.

Бу йилги ўқув йилида комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълимнинг 2184 мактаб ва семинарида машғулотлар бўлиб ўтди. Уларда 68 мингдан зиёд йигит ва қиз таълим олди.

Тингловчиларнинг дастлабки манбалар билан ишлашига, ўқувнинг актив форма ва методларини қўллашга машғулотларда катта эътибор қаратилди. Илмий-амалий конференциялар, ишлаб чиқариш таҳлили, рефератлар тайёрлаш, практик топшириқларни бажариш ва бошқа формалар ўқув самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълими самарадорлигини оширишда пропагандист кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш катта ёрдам берди. 2183 пропагандистдан 2019 нафари коммунистдир, 2048 нафари олий маълумотли, 1314 нафари эса корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва инженер-техник ходимларидир.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, 4—«ГПИ», 153-қурилиш трести, «Узгипросельстрой» институти, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг комсомол ташкилотларида машғулотлар юксак ғоявий-сиёсий савияда ўтди. Бу ташкилотлар мактаб ва семинарларда машғулотларнинг бориши устидан пухта назорат ўрнатадилар. Партия комитетлари ёрдамида пропагандист ва тингловчиларга амалий ёрдам бердилар.

Комсомол ташкилотлари корхоналарнинг маъмуриятлари, касаба союз ташкилотлари ва «Билим» жамияти ташкилотлари билан биргаликда ёшларнинг иқтисодий таълимига катта эътибор қаратдилар. Бунда ёшларнинг меҳнат фаолияти ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олдилар. Шаҳар комсомол комитетининг пропаганда ва маданий-оммавий ишлар бўлими шаҳар комсомол сиёсий маорифи бўйича методик совети билан ҳамкорликда Ленин, Фрунзе районларида комсомол сиёсий ўқувининг аҳволини, методик советларнинг ишини ўрганди. Шунингдек Сергели, Куйбишев районларининг бу борадаги ишини текширди. Бу маслаларни ўрганиш ана шу районлардаги комсомол сиёсий ўқув системасидаги камчиликларни аниқлаш имконини берди. Айни пайтда эса район комсомол комитетларининг тажрибаларни умумлаштирилди ва ёшларнинг марксча-ленинча таълимини янада яхшилашга эътибор қаратилди.

Бир қатор районлар шу жумладан Киров, Акмал Икромов, Фрунзе районларининг комсомол комитетлари ёшларнинг сиёсий маорифини ташкил этиш бўйича комсомол активининг ўқувини уюштирдилар. Чилонзор ва Сергели район комсомол комитетлари эса мактаб ва семинарларни комплектлаш ҳамда машғулотларнинг сифатини янада ошириш борасида пропагандистлар олдида турган вазифаларга бағишлаб пропагандистлар семинарларини ўтказдилар.

ЛУҚ

Ҳаммомдаги «доғ»лар

Ҳаммомга отланса-нгиз Марказий телеграф орқасидаги фин услубида қурилган 12-ҳаммомга бора кўрманг. Бу ерга бир борсангиз иккинчи қадам қўймайсиз.

Аслида-ку, ҳаммом жуда яхши қурилган, бинонинг ташқариси ҳам, ичкариси ҳам бинойдек, умумий овнинш хоналари саришта. Махсус ҳовузчаларда доим тоза сув муҳайё. Агар озгина инсоф ва мижозга эътиборли хизматчилар бўлса бу даргоҳ шаҳримиздаги энг яхши ҳаммомлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Лекин ҳамма гап бу ердаги хизматчи-ходимларнинг ўз хизмат бурчига масъулиятсизлиги, «менинг нафсим» баландур, ўтдан-чўққа қондур» қабилида таъмагирлиги ва инқироят очиқдан-очиқ қўполлигида. Хуллас, ҳашаматли ҳаммом бор-у, марҳаматли ва ҳушмуомала ходимлар йўқ.

— Мен шу йил 6 июнь куни ушбу ҳаммомга кирдим,— деб хат ёзибди оқшомхон-аспирант Н. Дўсанов.—Билет олиш учун 3 сўм пул узатсам кассир аёл «Майдам йўқ, ҳаммом ҳақини ҳаммомчига берасиз» деб имлаб қўйди. Ичкарига кирсам, кассир опа айтгандек ҳаммомчига шу пулни узатсам, у индамай 2 сўм қайтиб берди. Мен яна 20 тийин талаб қилган эдим, унинг жаҳли чиқиб ўшқирди берди. Ҳаммомчи акам иккита шеригн билан ароқ ичиб ўтирган эканлар, гапим чўзмай «майдам йўқ» деб менн «кузатиб қўй» дм».

Ҳаммомдан чиққач нафсоннятим қўзиб, кассир аёлга бўлган воқеанн айтсам, у пинагинн ҳам бузмади. Шунда мен «Шикоят ва таклифлар» дафтарини сўрштирдим. Бизда бундай дафтар йўқ деди. Фамилиясини сўрасам фамилиясини айтмади. Ҳаммомда бирорта бошлиқ бордир десам, шундай катта даргоҳнинг бошлиғи ҳам йўқ экан. «Ўзи сизларда уят ҳам йўқ экан», деб чиқиб кетдим...»

Бизга хат йўллаган оқшомхон ҳаммомдаги лар нега «Шикоят ва таклифлар» дафтарини яшириб қўйганига ҳайрон. Балки шикоят ёзиларвериб, бир йилгина ярим йилда тўлдиримнан! Кассир аёлнинг қўполлиги сабабини тушунолмай ҳуноб. Ҳаммомдаги бу «тўра тақлид» ходимларни ким шунчалик эркалатиб қўйганини билмоқчи.

Айни шу ҳаммом ҳақида гап борар экан, бу ерда жойлашган чойхона ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш даркор. Мижозларнинг айтишича, чойхона ҳеч қачон рамзон-сарқитдан эмас. Юқоридаги туб олингач ярим кун ўтиб, 21 кеч худди шу чойхонада наманганлик Мақсудов жиноятчи бўлиб ўтирганини воқи бўлдик. У ерда ҳам мончи, чойхончи эса майдаси йўқлиги Буни қаранг-ки, ҳаммом йигитга ҳам ҳақини умуман ушлатмаган ходимлари экан. Ҳаммом коникмаганлиги ҳақида ларга тўлиб ёзилган келсак, — дейди дўпписини қўлига волиб пиво тўлдирган бошқа мижоз ҳам экан...»

Даровқе, ҳаммомнега ишлаяпти, ҳаммом жойида эрон экан! Ким ганлиги ҳақида ҳайрон ўзларидан сўраб чўкиб, ҳаммомнинг ҳолиб ичиб ўтирганлари Балки ҳаммом чўғдан қалинроқ, ҳам тусарини билан гандир!

Шаҳар ҳаммомлар бошқармаси барларн бу ердаги ларнинг постини текширб кўришини вол шу заҳоти ставердилар!

Мақсад Ҳ

БИРИНЧИЛАР

БРИГАДА НАМУНАСИ

Абдурашид Базанов бундан уч йил муқаддам ишга келганида «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Н. Сидоренко бошлиқ комплекс бригадаси аъзоларидан бирон киши унинг касбини шунчалик тез ўзлаштириб олишига ишонмаган эди. Чунки штамплаш касби анча қунт талаб қиладиган касблардан эди.

У мустақил ишлашни орзу қилиб юрган пайтларда: «Аввал ўқигин» деб маслаҳат беришди. Лекин Абдурашид тезроқ яхши мутахассис бўлиб етишиш орзусида эди. Шунинг учун ҳам катта мастер Н. Полянцев, бригадир Н. Сидоренко, мастер Т. Эргашев, цех комсорги С. Чернишов ва бошқаларнинг қимматли маслаҳатларига қулоқ солди. У технологик жараённинг барча икир-чикирларини ўрганиб олди, тегишли китобларни ўқиди. Натижада Абдурашид смена топшириқларини бир маромда бажарадиган бўлиб қолди. Кейинчалик эса ошириб бажаришга ҳам эриша бошлади.

Мана энди, Абдурашид ўша кунларни жуда яхши эслайди. Ўзига нотаниш касбни қийинчилик билан ўрганган ёш ишчи ҳамкасбларидан ортда қолишни эп кўрмасди. Бу эса унга ўзи танлаган касбни тез ўзлаштиришга туртки берди. Кейинчалик эса у политехника институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Армиядаги икки йиллик хизмат ҳам бежиз кетмади. Ёш ишчида ўз олдига қўйган мақсадга матонат билан эришиш, қатъиятли бўлиш хислатларини сингирди.

— Цех комсомол бюросининг аъзолари ёш штампловчи Абдурашид Базановга дарров эътибор беришди, —деб ҳикоя қилади цех комсорги Александр Чернишов. — Бригада аъзолари бу ёш ишчи ҳақида жуда яхши фикрда. У қатъиятли, ишга ҳалол, виждонан ёндошади. У яхшигина ташкилотчи ҳам. Ҳамкасбларни янги марраларга руҳлантира олади. Цех футбол командасининг капитани сифатида ҳам ном қозонган. Цех комсомол, бюросининг топшириқларини бажонидил бажаради. У бригадада группа комсорги сифатида ўзига берилган барча топшириқларни аъло бажаряпти.

Ҳозир А. Базанов фақат бригада комсомоллари ўртасидагина эмас, балки цех комсомоллари ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонган. Бригада ёшлари ўртасида тарбиявий ишлар олиб боряпти. Уларни цехнинг жамоат ҳаётида актив қатнашишга жалб этяпти. Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш учун қайғуради. Бригада коллективининг ҳар ойда ўзаро социалистик мусобақада цех бўйича биринчи ўринда келаётганида унинг ҳам ҳиссааси бор, албатта.

Яқинда ёш ишчи ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. Бригада ва цех коммунистлари уни партия аъзолигига кандидатликка тавсия қилдилар. Абдурашид фақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришгагина эмас, балки унинг сифатига ҳам эътиборни тобора кучайтиряпти.

В. ПАНЯКШИН.

ЧОРА КЎРИЛДИ: БИЛЕТ ТОПШИРИЛДИ

Редакцияга ўқувчи М. Самдовадан ташвишли мактуб келди. У ўз хатида хабар қилишича, Акмал Икромов район комсомол комитетида комсомолга кирганидан сўнг бир йилгача комсомол билетини ололмаган.

Бу хат чора кўриш учун Тошкент шаҳар комсомол комитетига йўлланди. Ундан қуйидаги жавоб олинди: Акмал Икромов район комсомол комитетининг ходимларн ҳақиқатан ҳам М. Самдовага комсомол билетини топширишга юзаки ёндошишган.

Унга комсомол билети топширилди. Узбекистон ЛКСМ Акмал Икромов район комитети ходимларининг ўз ишларига бундай юзаки ёндошиш ҳодисаси район комсомол комитетн аппарати йиғилишида, шунингдек бундан буён бундай ҳолларга йўл қўймаслик мақсадида шаҳар районларн комсомол комитетларининг биринчи секретарлари йиғилишида муҳокама этилди.

Узбекистон ЛКСМ Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретарн М. Ўринбосарова ва район комсомол комитетининг комсомол ташкилотларн бўлимн мудири Б. Икромовга жиддий кўрсатиб ўтилди.

В. МИШИН,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Муаммо, мунозара, муҳокама

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон ССР
халқ шоири

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Шаҳар хўжалиги мавзуида

Тошкентликлар пойтахтни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали ҳаёт тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун курашмоқдалар. Бу умумхалқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, айниқса шаҳарни ободонлаштиришда ва кўкаламзорлаштиришда, шаҳар кўчаларини номерлаш, ном қўйиш ва кўрсаткичларини келтириш борасидаги ишларни ўрнидагидек деб бўлмайди. Редакция газетхонларга оқиб келаётган мактубларнинг муаллифлари ҳам бу ҳақда ташвишланиб ёзишади, шаҳар кўчаларининг истиқболи ҳақида қайғуриб, уларнинг номи ҳам Тошкент каби жарангдор ва жозибали, нсми-жисмига монанд бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Дов-дарахтлар, гуллар қуриб қолмаслиги, шаҳарни боғлар, гуллар шаҳрига айлантириш тўғрисида қайғурадилар.

Шу боисдан ҳам эътиборингизга худди мана шу мавзудаги мақолани ҳавола этяпмиз.

Ўтган бир группа арман ёзувчилари Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келганда, Улар орасида дўстларим ҳам бор эди. Ғандан-ғандан чиқиб, маҳаллаларидаги кўчаларнинг бири арман ёзувчиси Аветик Исаакян номи билан аталишини эшитиб қолдим. Бу ҳақда улар тасодифан гапириб қолишди. Меҳмонлардан бирининг кўзи тушган кўча бошига қоқилган темир тахтачага тушиб кетган экан. Унда «Исаакяни кўчаси» деб ёзилган эди. Аркадий Хўстим узоқ тикилиб турди-да, бундай ёзувчи номи билан кўчага ном берилганидан ҳеч хабари йўқ эканлигини, бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса ёзмаганини, ҳатто ёзувчининг ўзи ҳам бу ҳақда ҳеч нарсадан хабардор эмасл

ЭНГ ЯХШИ СУВЕНИР ВА СОВҒА БУЮМЛАРИ КОНКУРСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ — БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ САНОАТ БИРЛАШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ЭНГ ЯХШИ СУВЕНИР ВА СОВҒА БУЮМЛАРИ КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРСДА ХАЛҚ УСТАЛАРИ, РАССОМЛАР, ҲАЙКАЛТАРОШЛАР ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛАР ҚАТНАШИШЛАРИ МУМКИН.

Конкурс қатнашчиларининг олдига исталган материал: газлама, металл, лой, гипс, тош, пластмасса ва бошқалардан ҳар қандай техника услубида сувенир ва совға буюмларининг энг янги хилларини яратиш вазифаси қўйилади. Уларда Ўзбекистон халқ манзарали — амалий санъатининг бадиий анъанаси акс эттирилмоғи лозим. Буюмнинг бадиий образли талқин этилиши, унинг размерлари, образли ифодалаш воситалари буюм мазмунининг ёркин ва жозибали акс эттирилиши вазифасига бўйинсиндирилмоғи керак. Буюмнинг бадиий қиммати билан бирга уларнинг харидоргирлик сифати, шунингдек бирлашма корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини ҳисобга олмоқ керак.

Буюмлар конкурсга асл нусхаси ёки макет, уларнинг мазмунини баён этиб берадиган тушунтириш хати, муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ихтисослиги, муаллифнинг уй адреси), маълумотлари кўрсатилган девиз билан беркитилган конвертда юборилмоғи керак).

Конкурс асарларини бевосита бирлашмага олиб келиб топшириш ёки почта орқали қуйидаги адресга юбориш мумкин: Тошкент, 11, Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти, 98-уй, республика халқ— бадиий ҳунармандчилик саноати бирлашмаси.

Конкурсга тақдим этилган буюмларни бирлашма қошида тузилган жюри баҳолайди.

КОНКУРС ЯКУНЛАРИГА КЎРА ҚУЙИДАГИ МИҚДОРДА РАҒБАТЛАНТИРИШ МУКОФОТЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН:
1-ўрин учун — 300 сўм;
2-ўрин учун — 200 сўм (иккита мукофот);
3-ўрин учун — 100 сўм (учта мукофот).

Муаллифлар бир йўла мукофотлардан ташқари буюмлари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганида маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарилганлиги учун белгиланган тартибда авторлик ҳақини оладилар.

Асарларни конкурсга тақдим этиш муддати —1984 йилнинг 15 сентябригача.

Барча ҳоҳловчиларни конкурсда қатнашишга чорлаймиз.

Маълумотлар учун телефон: 41-23-41, 41-21-96, 41-21-95, 46-89-82 (лаборатория).

СССР Гидрометеорология ва табиий муҳит муҳофазаси бўйича давлат комитети

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1984-85 ўқув йили учун

8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ, ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, МЕТЕОРОЛОГИЯ, ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК РАДИОЛАКАЦИОН УСКУНАЛАР.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун кундузги бўлимда ўқиш 3 йилу 6 ой, 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 6 ой; 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун гидрометеорологик радиолакацион ускуналар ихтисослиги бўйича ўқиш муддати 3 йилу 10 ой.

Сиртқи бўлимда 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 2 йилу 8 ой.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ойига 30 сўм миқдорида, гидрометеорологик радиолакацион ускуналар ихтисослиги бўйича ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 31 ИЮЛГАЧА, 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 10 АВГУСТГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 10 АВГУСТГАЧА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этиб топширилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (086) у формали), 4 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси (ишлайдиганлар учун) нусхаси.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРДА 1—20 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИ.

8 синф ҳажмида маълумотлилар ўқишга кириш учун **математика** (оғзаки), **рус тили** (диктант);

10 синф ҳажмида маълумотлилар **математика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Мактабларни 4 ва 5 баҳолар билан битирган ўқувчилар агрометеорология ва қуруқлик гидрологияси ихтисосликларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Техникум адреси: 700019, Тошкент шаҳри, З. Қобилов кўчаси, 45-уй (44, 48, 97, 107, 108-автобуслар; 2, 7, 10-троллейбуслар; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 48-07-21, 48-37-10.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: КОНДИТЕРЛИК НОНВОЙ—ТАНДИР НОНИ ВА БУЛОЧКА ПИШИРУВЧИ, ЛАБОРАНТ-ХИМИК, АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ-СЛЕСАРЬ (нон ва пиво заводлари учун), ХОЛОДИЛЬНИКЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА СОЗЛОВЧИ-МЕХАНИК, ҚУРИЛИШ БУЁҚЧИСИ, АВТОСЛЕСАРЬ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитерлик-булочка комбинатида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгараклари мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй, (68, 133, 106, 121, 127, 45, 81, 15, 23-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.



ЭРКАКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

1980 ЙИЛНИНГ ЯНВАРИДАН БОШЛАБ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРНИ МАРКАЛАШНИНГ ЯНГИ СИСТЕМАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, ШУНГА БИНОАН САВДО ЁРЛИҒИДА КЎРСАТИЛГАН УЧ ХИЛ РАЗМЕР БЕЛГИЛАРИ БИЛАН КИЙИМЛАР БЕЛГИЛАНАДИ.

Масалан: 170-100-88,
демак одамнинг бўйи —170 сантиметр,
кўкрагининг ҳажми — 100 сантиметр,
белининг ҳажми —88 сантиметр.

Сиз ўзингизнинг размер маълумотларингизни билиш учун ўзингизнинг бўйингизни ўртача миқдорда аниқлаш имконини берадиган қуйидаги жадвалга амал қилинг.

Бўй (см.).	Ўртача миқдори
155-161	158
161-167	164
167-173	170
173-179	176
179-185	182
185-191	188

Сиз қуйидаги жадвал ёрдамида кўкрак қамровининг ўртача миқдорини белгилаб оласиз:

Кўкрак қамрови (см.).	Ўртача миқдори
86-90	88
90-94	92
94-98	96
98-102	100
102-106	104
106-110	108
110-114	112
114-118	116
118-122	120
122-126	124
126-130	128

Қуйидаги жадвал сизга белининг ўртача қамров миқдорини аниқлашда ёрдам беради:

Бел қамрови	Ўртача миқдори
67-73	70
73-79	76
79-85	82
85-91	88
91-97	94
97-103	100
103-109	106
109-115	112
115-121	118
121-127	124
127-133	130
133-139	136

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, кўкрак ва бел қамровини аниқлашда сантиметр лентаси жиддий горизонтал турмоғи керак.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Бу эсдалик сизларга ўз размерингизни тўғри аниқлаш ва монанд келадиган костюм ва шимларни танлашда яқиндан ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-28).

ТОШКЕНТДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ

САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган 17 дан 20 ёшгача бўлган ўрта маълумотли ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Машғулотлар мактаб-магазин программаси бўйича олиб борилади.

Курсларга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш пайтида ўқувчиларга ойига 52—63 сўм миқдорида стипендия тўланади, ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Курсларни битирган ўқувчилар орденли Тошкент Марказий универсал магазинида ишлайдилар.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Маълумотлар олиш юзасидан Универмагнинг 3-қаватидаги 26-хонасида жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат этилсин.

ТВ

сешанба

26 ИЮНЬ

● МТ I

18.15 «Буратино кўргазмаси».
18.45 Жаҳонда биринчи саноат атом электростанцияси (Обнинск) ишга туширилганлигининг 30 йиллигига бағишланган кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
20.25 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси». 2-кўрсатув.
22.50 Ю. Казаков. Ҳикоялар.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.15—20.30 Халқ куйлари.
20.50 Бадиий гимнастика бўйича
21.30 «Время».
СССР чемпионати.
22.05 «Фотима». Бадиий фильм.
23.40 «Москва бўйлаб саёҳат. Замоскворечье». Телефильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.50 «Илмий-техника тараққиёти — халқ хўжалигига» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Лола — тоғ гули». Телефильм.
19.55 «Ниқобсиз сионизм». 2-кўрсатув (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Р. Қурбонов, М. Тожибоев, М. Ҳожиматова ижросида ўзбек классик қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Болалар денгиз ҳақида орзу қиладилар». Фильм-концерт.
19.10 «Бу ажойиб қўллар». Телефильм.
19.35 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Биз танлайдиган роллар». Музикали фильм.
21.30 МТ II

чоршанба

27 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.15 «Халқ ижодиёти».
13.00 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари.
15.55 Кичик концерт.
16.15 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.45 Халқаро конкурс лауреати Н. Панкова чалади (фортепьяно).
17.10 «Инсон — замин соҳиби».
18.10 «Дунё ва ёшлар».
18.45 «Фан ва турмуш». Дунё океанларининг муаммолари. 3-кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мотоспорт бўйича халқаро мусобақалар.
20.10 «Пора» Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Музика ҳамма учун».
23.00 «Қўғирчоқ ўйини усталари». Телефильм премьераси.
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Лаҳзаларни тўхтатма». Илмий-оммабоп фильм.
9.30 «Фотима» Бадиий фильм.
11.05 «Ўтмиш билан учрашув». Қадимий Русь тарихидан.
11.55 —12.40 Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида. «Нон қадри».
13.10—14.15 «Жельсоминонинг сеҳрли овози». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.45 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.15 Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Римбаева куйлайди.
16.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.50 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
17.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Эквилибрист». Телевизион бадиий фильм.
20.05—20.30 А. Софронов шеърлари.
20.50 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. АСК—«Днепр».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Кичик юлдузлар». Фильм-концерт.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» (такроий).
11.40 «Бургутча». Бадиий фильм (рус.).
12.55 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Пионерлар мамлакатида».
18.40 «Адабий альманах».
19.10 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Тюменга». 1-кўрсатув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Театр премьералари. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида «Отелло» спектакли.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши» (рус.).
22.40 «Сўқмоқдаги беш киши». Бадиий фильм.
23.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 —17.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 — 18.20 «Оқ йўл». Телефильм.
18.50 «Асов дарё ўзанида». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Классик куй саҳифалари.
21.00 «Ягона сиёсий кун: муаммолар, саволлар ва жавоблар».
21.30 МТ II

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати — 2 йил, 2,5 йил; эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка. Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу соҳа бўйича таълим олганлар учун 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса ўқиш муддати — 3 йил; тикувчи-мотористка (трикотаж ишлаб чиқариш бўйича). **Ўқиш муддати— ўрта маълумотлилар учун 8 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йил.**

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга эгаллаган касби ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини битириб келганларга эса ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 16, 22, 23, 28, 3, 16-трамвайлар; 2, 9, 10, 17, 26, 56, 57, 60, 72, 88-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин—Мавзук кўчаси, 136-уй (27-трамвай; 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефон: 35-62-41.

театр

НАВОИЙ НОМИ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК... ТЕАТРИДА — 26/VI да ... так, 27/VI да Сени ...

ҲАМЗА НОМИДА... ДАВЛАТ АКАДЕМИК... ТЕАТРИДА — 26/VI да ... дузли тунлар, 27/VI да ... нисо.

кино

27 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМ...

«ҚАЙСАРНИНГ ...ШИ» — Санъат сарой... 20.45; телефон ... Дружба (жуфт ва ток ... да, телефон 66-15-70); ... 30 йиллиги (жуфт ... телефон 33-44-52), Ҳам... ли (жуфт соатларда, ... 91-10-51), Хива (21.0... фон 32-78-02).

«ТУГАТИШГА ...СИН — Санъат сарой... 19.30), Чайка (18.30, ... лефон 77-06-20), Вос... 21.00), Нукус (18.30, ... телефон 46-70-69), К... (17, 18, 20, 21.00), ... (18.30, 21.00), Восто... 21.00, телефон 91-14-...

кистон ССР 25 йиллиги (18.30, 21.00; телефон 87), К. Ерматов номи... 20, 21.00), Янгиобод (... 21.00; телефон 96-36-...

28 ИЮНЬДА

БАДИИЙ ФИЛЬМ...

«ҚАЙСАРНИНГ ...ШИ» — Санъат сарой... 13.30, 16, 18.30, 20.4... фон 44-21-74), Дружба ва ток соатларда, теле... 15-75), Ҳамза номи... соатларда, телефон ...

Тинчлик (жуфт соат... телефон 58-36-06), К. Ма... номли (жуфт ва ток ... телефон 24-22-68).

«ТУГАТИШГА ...СИН» — Санъат сарой... 14.30, 17, 19.30), ... Советининг 50 йиллиги (12, 15, 18, 21.00; ... 78-47-25), ВЛКСМ 30 ... (11, 14, 17, 20.00; ... 33-44-52), Чайка (11, ... 16, 18.30, 21.00; теле... 06-20), Нукус (11, 17, ... 18.30, 21.00; телефон ... 69), Қозоғистон (11, 12, ... 17, 18, 20, 21.00); Мир... 13.30, 16, 18.30, 21.00; ... (11, 13.30, 16, 18.30, ... телефон 91-14-61), Ро... 25 йиллиги номли (11, ... 16, 18.30, 21.00), теле... 65-87), К. Ерматов ном... 12, 14, 15, 17, 18, 20, ... Янгиобод (11, 13.30, 16, ... 21.00; телефон 96-36-...

«ДУБЛЕР ИШГА ТУ... ДИ» — Хива (21.40; ... 32-78-02), Искра (по... ларда, телефон 3... С. Раҳимов номли ... ларда, телефон 48-46-7...

4-САНАТОРИЙ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ...

1984-1985 ўқув йи... сиполиз касалли... болалари

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри... болалар 1-синфдан 10-... гача қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва ру... ларида олиб борилади.

Мактаб-интернат ... зор райони, Санъат ... 14-уйда жойлашга...

Қуйидаги транспорт ... билан бориш мумкин: ... тролейбуслар, 120-... нинг «Интернат» бекати.

Консультация ... ҳар куни соат 10.00 ... 14.00 гача мурожаат ... мумкин.

Тошкент шаҳар Ота... районидаги Хушёр ... 65-ўрта мактаб ... Раджапов Ахи Эр... номига берилган 5550... мерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНДИ

«Ўзбекгидромеханизация трестининг ...

ЎҚУВ КОМБИНАТИ НОВОАНГРЕНСК ГРЭСи ...

лишида ишлаш учун ... ва темир-бетон конструк... ри монтажчиси ҳамда ... лиш майдончаларини ... монтёрларини тайёр... нурсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ... билан таъминланади, ... уларга ҳар ойда 75 ... стипендия берилади.

Иш даврида корхона ... жиҳозланган ётоқхона ... лар. Оилаларга кўчиб ... лан квартира берилади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕС: Охангарон райони, ... ангренси ГРЭСи қурилиши ... Тошкент шаҳри, Ю... 40 йиллиги кўчаси, 36-... Телефон 66-09-02.

Тошкент Давлат чет ... педагогика институти ... тиви кечки факультети ... тили кафедасининг ... Ўқитувчиси С. Х. Ҳожаева...

Хиннатой ФИТРАТОВАнинг вафот этганлиги муно... билан чуқур таъзия ... қиладилар.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

26 ИЮНЬ, 1984 й.

Р—14086. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10